



ИНСОННИНГ БИЛИМ ДАРАЖАСИ: ЎЛЧАШ МЕЗОНЛАРИ ВА БАХОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Ирода Мамаюнусовна Пардаева

Самарқанд Давлат чет тиллар институти профессори в.б., PhD

АННАТАЦИЯ

Мақолада инсоннинг билим даражаси нима билан ва қандай ўлчанади, деган саволга жавоб ахтарилган. Бунда билимнинг ўлчови ҳозирги пайтда мактаб таълими, ўрта махсус таълим, олий таълим, фан номзоди (қ айсидир фан бўйича фалсафа доктори), фан доктори, илмий унвонлар эса, катта илмий ходим. доцент, профессор, академик номлари билан юритилади. Булар асосан фаннинг маълум йўналишларини эгаллаган одамларга берилиши қайд этилган. Ҳар бир йўналиш бўйича оламни ўрганан инсонларга буларнинг орасида ўрни йўқ. Шу туфайли билимларни (диний ва дунёвий) бирлаштириб, ягона қилиш лозимлиги тўғрисида мулоҳазалар ҳам юритилган.

Калит сўзлар: илм, билим, фан, таълим, илмий даража, фан доктори, олий маълумотли, касбий таълим, ақл, заковат, биладиган, билмайдиғн, исломий таълим, дунёвий таълим

АННОТАЦИЯ

В статье предпринята попытка ответить на вопрос, чем и как измеряется уровень знаний человека. Отмечается, что в настоящее время мерой знаний считаются школьное образование, среднее специальное образование, высшее образование, степень кандидата наук (доктора философии по определённой специальности), доктора наук, а также учёные звания — старший научный сотрудник, доцент, профессор, академик. Указано, что данные степени и звания в основном присваиваются людям, освоившим определённые направления науки. Однако среди людей, изучающих мир в целом и по различным направлениям, для них не всегда находится соответствующее место в данной системе. В связи с этим высказываются рассуждения о необходимости объединения и гармонизации знаний (религиозных и светских) в единую целостную систему.

Ключевые слова: наука, знание, научная дисциплина, образование, учёная степень, доктор наук, высшее образование, профессиональное образование, разум, интеллект, знающий, незнающий, исламское образование, светское образование.

HUMAN KNOWLEDGE LEVEL: MEASUREMENT CRITERIA AND ASSESSMENT MECHANISMS

ABSTRACT

The article seeks to answer the question of what measures a person's level of knowledge and how it is assessed. It is noted that today the level of knowledge is commonly measured through stages of education such as secondary school, secondary specialized education, higher education, academic degrees including Candidate of Sciences (Doctor of Philosophy in a specific field), Doctor of Sciences, as well as academic titles such as Senior Researcher, Associate Professor, Professor, and Academician. These degrees and titles are mainly awarded to individuals who have mastered specific fields of science. However, among people who study the world in a broader and more comprehensive sense, there is often no appropriate place within this system. Therefore, the article discusses the necessity of integrating and unifying knowledge (both religious and secular) into a single holistic framework.



Keywords: science, knowledge, scholarship, education, academic degree, doctor of sciences, higher education, vocational education, intellect, intelligence, knowledgeable, ignorant, Islamic education, secular education.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг билимли ва салоҳиятли бўлиб камол топишини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида: “Асосий мақсадимиз — одамларимизни доимий даромадли қилишдан иборат. Даромадга эга инсон сифатли таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, мазмунли ҳаёт кечиришга интилади”,⁵⁸ дея таъкидланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамият тараққиёти ва инсон фаровонлиги, аввало, билим даражаси билан бевосита боғлиқ. Билимли авлодни шакллантириш эса, энг аввало, сифатли таълим тизимида таянади. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳал этилишини кутаётган муҳим масалалардан бири — инсоннинг билим даражаси қайси мезонлар асосида ва қандай усуллар орқали баҳоланиши масаласидир. Мазкур ҳолат ушбу мавзу доирасида фикр-мулоҳазалар билдириш заруратини тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур масала ҳозирги даврда алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Мақолада инсоннинг билим даражаси қайси мезонлар асосида ва қандай усуллар орқали ўлчаниши масалалари таҳлил қилиниб, тадқиқот жараёнида макон ва замон категориялари, индукция ва дедукция усуллари, миқдорий ва сифатий таҳлил, шунингдек, мантиқий, иқтисодий ҳамда статистик методлардан комплекс тарзда фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Илм инсон тафаккури ва борлиқни англашнинг умуминсоний асоси бўлиб, уни дунёвий ёки диний тарзда қатъий ажратиш илмий жиҳатдан шартли характерга эга. Буни ўйлаб кўришни тақозо қилади. Чунки иккаласи ҳам оламни моддий ва маънавий жиҳатдан ўрганишга қаратилгандир. Маълумки, илм – яхлит ва узвий тизим бўлиб, инсон томонидан ўзлаштирилган қисми билим сифатида намоён бўлади. Шу маънода, ҳатто энг етук билим соҳиби ҳисобланган шахснинг ҳам билими умумий илм уммонида нисбатан чекланган экани эътироф этилади. Инсоннинг билимлилик даражаси эса унинг маълумот ҳажми билан эмас, балки билимни англаш, татбиқ этиш ва тизимли фикрлаш қобилияти билан белгиланади.

Бироқ билим соҳаларининг тобора ихтисослашиб бориши натижасида “билим даражаси қандай мезонлар асосида ўлчанади?” деган савол илмий- назарий жиҳатдан мураккаб масалага айланмоқда. Чунки турли соҳалардаги билимлар — жумладан, диний ва дунёвий билимлар — бир хил ўлчов мезонлари асосида баҳоланмаслиги ҳолати кузатилади. Аслида эса билимнинг моҳияти унинг мазмуни ва амалий қиймати билан белгиланиб, бундай сунъий тафовутлар нисбий характерга эга бўлиши лозим.

Мазкур мураккабликларни маълум даражада бартараф этиш ҳамда жамият учун аниқ баҳолаш мезонларини белгилаш мақсадида таълим тизимида билим даражасини расмий босқичлар орқали таснифлаш амалиёти жорий этилган. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларини тамомлаган шахс умумий ўрта маълумотли ҳисобланади; техникум ва коллеж битирувчилари ўрта бўғин мутахассиси сифатида эътироф этилади; олий таълим муассасаси дипломига эга бўлганлар эса муайян йўналиш бўйича олий маълумотли мутахассис мақомини олади. Илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиб, диссертация ҳимоя қилган шахслар PhD



ёки DSc илмий даражаларига эга бўлиб, илмий салоҳиятга эга мутахассислар сифатида тан олинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илмий даражага эга бўлишнинг ўзи шахснинг тўла маънодаги олим сифатида шаклланишини англатмайди. Илмий даража — бу олим бўлиш учун зарур илмий имкониятлар, ҳуқуқий мақом ва масъулиятни таъминловчи асосий босқич, холос. Олимлик эса узлуксиз изланиш, илмий янгилик яратиш ва билимни жамият манфаати йўлида татбиқ этиш билан боғлиқ жараёндир.

Амалий ҳаёт тажрибаси ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди. Масалан, муайян тарихий-сиёсий тизим доирасида тайёрланган айрим илмий тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий шароит ўзгариши билан ўз илмий ва амалий аҳамиятини йўқотиши мумкин. Хусусан, собиқ иттифок даврида муайян мафкуравий асосга таянган диссертациялар давлат тизими барҳам топгандан сўнг долзарблигини йўқотгани маълум. Шунингдек, режали иқтисодиёт назариясига асосланган айрим иқтисодий тадқиқотлар ҳам бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўз илмий қийматини қайта баҳолаш заруратида дуч келган. Бу ҳолатлар илмий билимнинг ҳақиқий қиймати унинг замон ва макон билан уйғунлиги, ҳамда амалиётга мослашувчанлиги билан белгиланишини кўрсатади.

Айрим илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти улар яратилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизим билан узвий боғлиқ бўлади. Хусусан, муайян давр ва давлат тузуми шароитида олиб борилган илмий изланишлар тизим ўзгариши билан ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Масалан, СССР даврида иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлган матлубот кооперацияси фаолиятига бағишланган тадқиқотлар мазкур давлат парчаланганидан сўнг илмий ва амалий жиҳатдан долзарблигини йўқотди. Кейинчалик ушбу йўналишдаги тадқиқотларни мустақил Ўзбекистон шароитига мослаштиришга уринишлар ҳам айрим институционал ўзгаришлар сабабли ўз мақсадини тўла рўёбга чиқара олмади. Бу ҳолат илмий билимнинг қиймати нафақат унинг назарий пухталиги, балки жамият тараққиётининг реал эҳтиёжлари билан уйғунлигига боғлиқ эканини кўрсатади.

Мазкур мисоллардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, замонавий дунёда билим ва илмий хулосалар муайян вақт ўтиши билан эскириши табиий ҳол ҳисобланади. Шу сабабли инсон ўз билим ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бормаса, у қайси соҳа ва касб вакили бўлишидан қатъи назар, ижтимоий тараққиёт суръатларидан ортда қолади. Бундай ҳолатда шахс расмий илмий даражага эга бўлган тақдирда ҳам, унинг ҳақиқий маънодаги олим сифатидаги мақоми савол остида қолиши мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда диплом ёки илмий даража билим олиш жараёнининг якуни сифатида қабул қилинади. Аслида эса таълим тўғрисидаги ҳужжат шахснинг билим олиш салоҳияти яқунланганини эмас, балки узлуксиз таълим ва мустақил тафаккур учун зарур интеллектуал асос шаклланишини англатади. Олий маълумотли мутахассис воқеа-ҳодисаларни ўрта маълумотли шахсга нисбатан кенгроқ ва тизимлироқ англайди; муайян фан соҳасида илмий тадқиқот олиб борган фалсафа доктори (PhD) эса ушбу жараёнларни таҳлил қилишда янада юқори назарий даражага эга бўлади. Фан доктори (DSc) даражасидаги мутахассис эса мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва илмий масалаларни чуқурроқ англаш ва умумлаштирилган хулосалар чиқариш имкониятига эга ҳисобланади.

Мазкур табақаланиш билим даражасининг фарқлинишини фалсафий ва маънавий жиҳатдан ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Қуръони Каримнинг “Зумар” сураси 9-оятда: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!” деган хикматли савол орқали илмнинг инсон ҳаётидаги устувор ўрни таъкидланади. Бу эса жамиятда билим даражаларини фарқлаш, баҳолаш ва таснифлаш учун муайян илмий мезонлар зарур эканини кўрсатади.



Демак, билимлиликни аниқлаш масаласи нафақат педагогик, балки ижтимоий-фалсафий аҳамиятга эга мураккаб илмий муаммо сифатида намоён бўлади.

Таълим жараёнини кузатиш шуни кўрсатадики, бир хил таълим муҳитида — бир мактабда, бир синфда, бир хил ўқитувчилар раҳбарлигида таҳсил олган ўқувчиларнинг билим даражаси ўзаро фарқ қилади. Бу ҳолат билимга бўлган муносабат, шахсий интилиш ва маънавий-руҳий омиллар турлича эканини англатади. Демак, илм эгаллаш жараёни формал таълим шароитларигина эмас, балки инсоннинг ички эҳтиёжи, мақсади ва интилиш даражаси билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Илмга интилишнинг маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши диний-фалсафий манбаларда ҳам алоҳида таъкидланган. Хусусан, Куръони Каримнинг “Мужода” сураси 11-оятда илм ва иймон ўртасидаги узвий боғлиқлик қуйидагича ифода этилган: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни, хусусан, илмга берилганларни даражаларга кўтарур”. Ушбу оятда илмга даъват муайян соҳавий ёки фақат диний билим билан чекланмай, билимни умуминсоний кадрят сифатида эътироф этишга қаратилгани кўринади. Бу эса илм эгаллаш инсонни ижтимоий ҳаётда ҳам, маънавий камолот нуқтаи назаридан ҳам юқори мақомга олиб чиқишини англатади.

Шу нуқтаи назардан, шахснинг билим даражаси ошган сари унинг қарор қабул қилиш қобилияти, таҳлилий тафаккури ва ижтимоий жараёнларни англаш салоҳияти ҳам юксалиб боради. Амалда қўлланилаётган билим даражасини баҳолаш мезонлари маълум маънода тўғри ва зарур ҳисобланади. Бироқ олий маълумот ёки илмий даражага эга бўлишни билим эгаллаш жараёнининг якуни сифатида қабул қилиш илмий жиҳатдан нотўғри ёндашувдир. Агар шахс расмий илмий мақомга эришганидан сўнг ўз устида ишлашни тўхтатса, у тез ўзгариб бораётган замонавий илмий ва ижтимоий жараёнлардан ортда қолиши муқаррар. Бундай ҳолатда, ҳатто фан доктори илмий даражасига эга бўлган шахсни ҳам етук олим сифатида баҳолаш мушкул.

Шу боис, нафақат олимлар, балки барча касб эгалари учун ҳам узлуксиз таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш ҳаёт давомидаги зарурат ҳисобланади. Фақатгина доимий ўқиш, изланиш ва билимни янгилаб бориш орқалигина шахс кўп қиррали тафаккур соҳиби бўлиб шаклланади ҳамда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларни англаб яшаш имкониятига эга бўлади. Демак, илм ўрганишга бўлган интилиш инсон ҳаётида узлуксиз давом этиши лозим бўлган жараёндир; бу ҳолат инсон камолоти ва жамият тараққиётининг муҳим шарт сифатида намоён бўлади. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, фан ва билимни эгаллаш жараёнида қайси таълим ёки илмий даражага эришилганидан қатъи назар, ўқиш, ўрганиш ва ўргатиш фаолияти узлуксиз давом этиши лозим. Билимни янгилаш жараёни тўхтатилган тақдирда, жадал суръатларда ривожланаётган ва тез ўзгараётган замонавий жамият талабларидан ортда қолиш хавфи юзага келади. Натижада шахснинг илмий ва касбий салоҳияти пасайиб, унинг ижтимоий эҳтиёжларга мослиги ҳам сусаяди.

Айниқса, таълим тизимида фаолият олиб бораётган илмий даражага эга мутахассислар — фан докторлари ва профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатда улар томонидан таълим олаётган ўқувчи ва талабалар ҳам замонавий билим ва компетенцияларни тўлақонли ўзлаштира олмаслиги мумкин. Бу эса узоқ истиқболда жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва инновацион тараққиётига тўсиқ бўлиш хавфини кучайтиради.

Илм ўз моҳиятига кўра чегараланмаган, доимий ривожланувчи кадрят ҳисобланади. Ҳар қандай билим соҳиби — у олий маълумотли мутахассис ёки профессор бўлишидан қатъи



назар — илмнинг фақат муайян қисмигина ўзлаштирилганини англаши лозим. Шу боис шахснинг ўз билими билан мағрурланиб, ўз устида ишлашни тўхтатиши илмий тараққиёт қонуниятларига зид ҳолат ҳисобланади. Замонавий билим талабларига жавоб бермайдиган мутахассис, ҳатто юқори илмий унвонга эга бўлган тақдирда ҳам, янги билимларни ўзлаштирган ёш авлод томонидан танқидий баҳолалиши мумкин. Мазкур фикрлар маънавий-ахлоқий манбаларда ҳам ўз тасдиғини топади. Хусусан, Қуръони Каримнинг “Юсуф” сураси 76-оятда “Ҳар бир илм эгаси устидан билувчи бор” дея таъкидланиши илм соҳасида мутлақ камолот мавжуд эмаслигини англатади. Шунингдек, “Тоҳо” сураси 114-оятда келтирилган “Раббим, илмимни зиёда қилгин” деган дуо илм эгаллаш жараёнининг умрбод давом этишини талаб этувчи маънавий тамойил сифатида намоён бўлади.

Шахс қанчалик юқори илмий ютуқларга эришмасин — профессор ёки академик мақомига эга бўлсин — илм эгаллашни яқунланган жараён сифатида қабул қилмаслиги, балки уни доимий равишда чуқурлаштириб бориши зарур. Илмга бўлган бундай узлуксиз интилиш шахсий камолот, илмий тараққиёт ва жамият ривожининг муҳим шarti ҳисобланади.

Илм эгаллаш инсоннинг маънавий камолоти ва ижтимоий фаровонлигини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Илмий ва диний манбаларда билимли шахснинг дунёвий ҳаётда ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам юксак мақомга эришиши таъкидланади. Хусусан, ислом манбаларидан маълумки, илмга ихлос билан интилиш инсонни саодатга етакловчи йўл сифатида талқин қилинади. Бу ғоя Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида ҳам яққол ифодасини топган. Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деганлари келтирилади: “илм талаб қилиш йўлига кирган инсонга Аллоҳ таоло жаннат йўлини енгил қилади; фаришталар толиби илмдан рози бўлиб, унга эхтиром ифодаси сифатида қанотларини ёяди; осмондаги ва ердаги мавжудотлар, ҳатто сувдаги жонзотлар ҳам олим учун истиғфор айтадилар”. Шунингдек, олимнинг обидга нисбатан устунлиги оининг бошқа юлдузларга нисбатан устунлигига киёсланади. Ҳадисда, шунингдек, олимлар пайғамбарларнинг маънавий меросхўрлари экани таъкидланиб, пайғамбарлар моддий бойлик эмас, балки илмни мерос қилиб қолдиргани алоҳида қайд этилади.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳақиқий бойлик моддий неъматлар — динор ёки дирҳам билан эмас, балки маънавий-маърифий мерос, яъни илм билан ўлчаниши хулосасига келиш мумкин. Агар илм энг юксак қадрият бўлмаганида, у пайғамбарлар томонидан инсониятга мерос сифатида қолдирилмаган бўлар эди. Шу жиҳатдан, илм инсонни шахсий камолотга, ижтимоий масъулиятга ва маънавий юксалишга етакловчи универсал восита сифатида намоён бўлади.

Айниқса, таъкидлаш жоизки, ислом таълимотида илм диний ёки дунёвий турларга қатъий ажратилмайди. Илм ягона, яхлит қадрият сифатида талқин қилиниб, у инсонни Аллоҳга яқинлаштирадиган, саодатга етаклайдиган маънавий йўл ва восита ҳисобланади. Демак, илм эгаллаш нафақат шахсий интеллектуал ривожланиш, балки инсоннинг маънавий масъулияти ва ҳаётий мақсадларини англашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса қилиб айтганда, илм эгаллаш жараёни мураккаб ва узок муддатли бўлишига қарамай, у инсонни шахсий камолотга, ижтимоий фаровонликка ҳамда маънавий барқарорликка етакловчи муҳим омил экани аниқланди. Илм инсоннинг нафақат бугунги ҳаёти, балки унинг келажаги, оила ва авлод тақдири, жамият ва миллат истиқболи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан, давлат ва жамият тараққиёти, Ватан тинчлиги ҳамда унинг рақобатбардош салоҳиятини таъминлаш билимли, тафаккури юксак инсон капиталига таянади.



Демак, ҳар бир шахс ўз интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, билим даражасини мунтазам ошириб бориш ва илмга асосланган қарорлар қабул қилишга интилиши лозим. Мазкур мақсадга эришиш эса тизимли таълим, узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда илмга бўлган барқарор эҳтиёжни шакллантиришни тақозо этади. Шу асосда, илм ва билимдонликни юксалтиришга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифа сифатида намоён бўлади.

Биринчидан, илм эгаллашга бўлган муносабатни ҳар бир инсон учун ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва миллий мансублигидан қатъи назар, шахсий ва ижтимоий масъулият сифатида шакллантириш зарур. Илмга интилишни инсон камолотининг ажралмас қисми, маънавий қадрият сифатида англашга йўналтирилган тарбия тизими жамиятда ҳалоллик, ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий садоқат каби фазилатларни мустаҳкамлайди. Бундай руҳият шаклланган шахс ўз жамияти, оиласи ва Ватани манфаатларига содиқ бўлиб вояга етади.

Иккинчидан, замонавий илм-фан тараққиёти шуни кўрсатадики, табиий ва ижтимоий фанларда эришилган кўплаб илмий кашфиётлар муқаддас манбаларда илгари сурилган ғоялар билан уйғун келади. Айрим ҳолларда бу илмий натижалар халқаро миқёсда, жумладан, Нобел мукофоти билан ҳам эътироф этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, билимни диний ва дунёвий соҳаларга қатъий ажратиш ўрнига, уларни яхлит илмий тафаккур доирасида уйғунлаштирган ҳолда ўрганиш ва ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув асосида муайян соҳалар кесимида чуқур ва тизимли билимга эга мутахассисларни тайёрлаш имконияти кенгайди.

Учинчидан, инсоннинг билим даражасини баҳолаш амалда мавжуд таълим босқичлари ва илмий даражалар билан чекланиб қолмоқда. Бироқ бу мезонлар билимнинг ҳақиқий мазмуни ва қамровини тўлиқ акс эттира олмайди. Илмий даражани баҳолашда фақат формал кўрсаткичларга эмас, балки шахснинг билимни англаш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш салоҳиятига ҳам эътибор қаратилиши лозим. Кенг маънода олиб қаралганда, билимни баҳолаш масаласи чексиз илм уммонидан инсон ўзлаштирган қисмни аниқ ва ҳолис мезонлар асосида ўлчаш усуллари ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади. Бундай мезонларни шакллантириш ва жамият амалиётига жорий этиш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳали кўп. Шу боис, олимлар ва мутахассислар ўртасида кенг илмий муҳокамалар ўтказиш, турли нуқтаи назарларни қиёсий таҳлил қилиш ва умумий илмий ёндашувни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ёш авлодни яхлит, танқидий ва мустақил тафаккурга эга, оламни англашга қодир билимлар билан қуроллантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Билимни “диний” ёки “дунёвий” деб қарама-қарши қўйиш эмас, балки уни борлиқни англашга хизмат қилувчи умуминсоний қадрият сифатида қабул қилиш илмий ва маънавий тараққиётнинг муҳим шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Тошкент, 2025 йил 26 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Жўраев Б. Таълим фалсафаси ва билим мезонлари. – Тошкент: Фан, 2018. – 256 б.
5. Назаров Қ. Илм, билим ва тафаккур: ижтимоий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Университет, 2019. – 312 б.
6. Раҳматуллаев Ш. Замонавий таълимда узлуксиз таълим (“lifelong learning”) концепцияси. – Тошкент: Таълим, 2020. – 198 б.



7. 7. Хайитметов А. Илм ва маърифатнинг ижтимоий аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2015. – 224 б.
8. 8. Абдураззоқов О. Таълим тизимида билим сифатини баҳолаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017. – 184 б.
9. 9. Қуръони Карим. – Тошкент: Ўзбекистон мусулмонлари идораси нашри, 2020. – 604 б.
10. 10. Бухорий, Имом. Ал-жоме’ ас-саҳиҳ (Саҳиҳул Бухорий). – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2010. – 4 жилд.